

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ
ҚАРОРИ



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

„6“ апрель 2018 й. г. № 272

Тошкент ш. – г. Ташкент

**Республикада ягона репертуар сиёсати юритилишини таъминлашга
йўналтирилган республика кинопрокат тизимини ташкил этиш
чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Миллий кинематографияни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 7 августдаги ПҚ-3176-сон қарорига мувофиқ, шунингдек, республикада ягона репертуар сиёсати юритилишини таъминлашга йўналтирилган республика кинопрокат тизимини ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. “Ўзбеккино” Миллий агентлиги (кейинги ўринларда “Ўзбеккино” МА деб аталади) ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг “Ўзбеккино” МА тизимида “Республика кинопрокат маркази” давлат унитар корхонасини (кейинги ўринларда “Республика кинопрокат маркази” ДУК деб аталади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Қуйидагилар “Республика кинопрокат маркази” ДУКнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

республикада ягона репертуар сиёсати юритилишини таъминлашга йўналтирилган республика кинопрокат тизимини (кейинги ўринларда кинопрокат тизими деб аталади) ташкил этиш;

кинопрокат тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш, аҳолига киновидео хизмати кўрсатиш бўйича мақсадли дастурлар ҳамда лойиҳаларни ишлаб чиқиши ва амалга оширишда иштирок этиш;

фильмларни намойиш қилиш фаолиятини амалга оширувчи тадбиркорлик субъектларини кинопрокат тизимида ихтиёрий жалб қилишни ташкил этиш, ушбу тизимга жалб қилинган тадбиркорлик субъектларини фильмлар билан таъминлаш;

мамлакатимизда ишлаб чиқарилган ва хориждан олиб кириладиган фильмларнинг республика худудидаги кинопрокати бўйича дистрибутерлик фаолиятини амалга ошириш, шунингдек, миллий фильмларни халқаро кинопрокатга олиб чиқиши;

замонавий халқаро андозаларга мувофиқ кинотеатр ва кинозалларда ягона технологик стандартларни шакллантириш ва жорий қилишда иштирок этиш.

3. Қуидагилар:

Аҳолига киновидео хизмати кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

2018-2019 йилларда миллий кинопрокат тизимини ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар режаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

4. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги “Ўзбеккино” МА билан биргаликда:

бир ой муддатда “Республика кинопрокат маркази” ДУК базасида “Ўзбеккино” МА тизимидағи кинотеатрларнинг бирлаштирилиши ва хусусий кинотеатрларнинг ўзаро манфаатли шартлар асосида ихтиёрий киришини назарда тутувчи ягона республика кинопрокат электрон тармоғини ишлаб чиқиши;

2018 йил 1 июндан бошлаб фильмларнинг кинотеатрларга рақамли етказилишини таъминлаш мақсадида ушбу банднинг иккинчи хатбошида кўрсатилган кинотеатрларни оптик толали алока линияси орқали ягона республика кинопрокат электрон тармоғига босқичма-босқич улаш;

2019 йил 1 январдан бошлаб ушбу банднинг иккинчи хатбошида кўрсатилган кинотеатрларда электрон киночипталарнинг тезкор хисобини юритиш ва сотишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий қилиш бўйича чоралар кўрсин.

5. Белгилансинки, худудларда ягона репертуар сиёсатини амалга ошириш бўйича фаолиятни мувофиқлаштириш ва назорат қилиш, шунингдек, аҳолига киновидео хизмати кўрсатиш қоидаларига риоя этилишини таъминлаш “Ўзбеккино” МАнинг худудий бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

6. “Ўзбеккино” МА ва “Республика кинопрокат маркази” ДУКнинг “Республика кинопрокат маркази” ДУК таркибида кинопрокат тизимининг йиллик репертуар режасига киритиладиган миллий ва хорижий фильмларнинг мақбул нисбатини белгилаб берувчи методик кенгаш фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансан.

7. “Ўзбеккино” МА ва Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳри Миробод тумани Миробод кўчаси 25-уй манзилида жойлашган биноларни тегишли худуди билан биргаликда фасад ва ташқи муҳандислик коммуникацияларини таъмирлаш бўйича илгари ишлаб чиқилган лойиҳа-смета хужжатлари нархини хисобга олган ҳолда “Республика кинопрокат маркази” ДУКга оператив бошқарув ҳукуки билан бепул бериш тўғрисидаги таклифи маъқуллансан.

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ушбу бинолар топширилишини, “Республика кинопрокат маркази” ДУК қабул қилиб олинишини ҳамда улардан самарали фойдаланилишини таъминласин.

8. “Ўзбеккино” МА бир ой муддатда “Республика кинопрокат маркази” ДУК устави ва тузилмасининг тасдиқланишини ҳамда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўtkазилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбеккино” Миллий агентлиги фаолиятини ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2017 йил 28 декабрдаги 1030-сон қарорига 3-иловага мувофик қўшимчалар киритилсин.

10. “Ўзбеккино” МА бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда улар томонидан қабул қилинган норматив-хукуқий хужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирун.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш “Ўзбеккино” МА Бош директори Ф.Ш. Зокиров зиммасига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Маданият, санъат ва ёшлар сиёсати масалалари ахборот-таҳлил департаментига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 6 апрелдаги 272-сон қарорига
1-илова

Аҳолига киновидео хизмати кўрсатиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом аҳолига киновидео хизмати кўрсатиш тартибини белгилайди.

2. Аҳолига киновидео хизмати кўрсатиш ташкилий-хуқуқий шаклидан қатъи назар, аҳолига киновидео хизматини кўрсатувчи юридик шахслар (кейинги ўринларда киновидео-тomoша ташкилотлари деб аталади) томонидан амалга оширилади.

3. Ушбу Низомда қўйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

киновидео-тomoша ташкилотлари – ушбу Низомнинг 4-бандида назарда тутилган аудиовизуал асарларни тайёрлаш, дубляж қилиш ва экранда намойиш этиш бўйича тегишли лицензияга эга бўлган юридик шахслар;

киновидео хизмати – киновидео-тomoша ташкилотлари томонидан оммавий намойишга мўлжалланган фильмларни ва бошқа аудиовизуал асарларни томошабинларга тақдим қилиш;

киносеанс – фильмларни ёки маълум бир фильмлар дастурини муайян вақт ичida танаффусиз бир марталик намойиш қилиш вақти;

тomoшабин – киновидео-тomoша ташкилотлари томонидан тақдим этилган киновидео хизматларидан фойдаланувчи жисмоний шахс;

фильм – кинотеатр ва кинозалларда оммавий намойиш қилишга мўлжалланган аудиовизуал асар, телевидениеда намойиш қилишга мўлжалланган телефильм ёки телесериал бундан мустасно.

4. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фильмларни оммавий намойиш қилиш Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 15 мартағи 72-сон қарори билан тасдиқланган Аудиовизуал асарларни тайёрлаш, дубляж қилиш ва экранда намойиш этиш бўйича фаолият турларини лицензиялаш тўғрисидаги низомга мувофиқ бериладиган тегишли лицензия асосида амалга оширилади.

2-боб. Киновидео хизмати кўрсатишнинг асосий қоидалари

5. Муайян киносеанс учун кириш чиптасининг (шу жумладан, электрон шаклда) сотилиши билан киновидео-тomoша ташкилоти ва томошабин ўртасида киновидео хизмати кўрсатишга шартнома тузилган деб ҳисобланади. Кириш чиптасида киновидео-тomoша ташкилотининг номи, киносеанс вақти ва санаси, ўриндиқ жойи ва чипта нархи кўрсатилган бўлиши шарт.

6. Киновидео-тomoша ташкилотлари томошабинларга киновидео хизмати кўрсатиш вақтида киносеансдан ташқари қўшимча хизматларни (мусиқий дастур, киножурнал ва х.к.) ҳам кўрсатиши мумкин.

7. “Ўзбеккино” Миллий агентлиги тизимидағи киновидео-томуша ташкилотларига кириш чипталари нархи Агентлик томонидан, бошқа киновидео-томуша ташкилотларига кириш чипталарининг нархи ушбу ташкилотларнинг ўзлари томонидан мустакил белгиланади.

8. Киновидео-томуша ташкилотлари муайян киносеансга аввалдан чипталар савдосини ташкил қилиши мумкин.

9. Киновидео-томуша ташкилотлари жамоа бўлиб фильм томоша қилишга келувчилар учун чипта буюртма қилинишига имконият яратиб бериши лозим.

10. Киновидео-томуша ташкилотлари муайян киносеанс бошланишидан камида 30 дакика аввал белгиланган киносеансга чипталар савдосини бошлиши шарт. Кинозалга кириш сеансдан камида 15 дакика олдин бошланади.

11. Етти ёшгача бўлган болалар вояга етган кузатувчи ҳамроҳлигига, болалар учун белгиланган нархларда кириш чиптаси билан кинозалга киритилади.

12. Болалар учун мўлжалланган маҳсус киносеансларга ташриф буюрган катта ёшдаги томошабинлар катталар учун белгиланган нархларда чипта сотиб олади.

13. Репертуарда режалаштирилган фильмларнинг алмаштирилишига факат техник бузилишлар, фильмнинг ишдан чиқиши ёки йўқолиши, шунингдек, белгиланган муддатда фильм киновидео-томуша ташкилотига етиб келмаган ҳолатларда рухсат берилади.

14. Репертуарда режалаштирилган фильм киносеанс учун кинозалга йифилган томошабинларнинг сонидан қатъи назар чипта сотилган бўлса намойиш қилиниши шарт.

15. Киносеанс вақтида видеокамера, телефон, планшет ва бошқа рақамли электрон жиҳозлардан фойдаланиш, намойиш этилаётган фильмни видео-фото тасвирга олиш, баланд овозда гаплашиш ва бошқа томошабинларга халақит бериш тақиқланади.

16. Киновидео-томуша ташкилотлари томонидан давлат ижтимоий гранти бўйича ишлаб чиқарилган фильмларни намойиш қилиш учун зарур экран вақтини ажратиш киновидео-томуша ташкилотлари, Агентлик ва фильм ишлаб чиқарувчи ўртасидаги ўзаро келишувга асосан амалга оширилади.

3-боб. Киновидео-томуша ташкилотларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

17. Киновидео-томуша ташкилотлари қўйидаги ҳуқуқларга эга:

томушабинлар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ўзига тегишли бино ва иншоот ҳудудига, шу жумладан, кинозалларга кузатув камераларини ўрнатиш, бунда кузатув камерасидан томошабиннинг шахсий ҳаётига дахлдор видеоёзувлардан нусха олиш, кўпайтириш ва тарқатиш қатъиян тақиқланади;

ушбу Низомнинг 15-бандида назарда тутилган тақиқларни бузган томошабинни чипта учун тўланган маблагни қайтармаган ҳолда кинозалга киритмаслик ёки кинозалдан чиқариб юбориш.

Киновидео-томуша ташкилотлари қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

18. Киновидео-томуша ташкилотлари қўйидагиларга мажбурдир:

кириш чипталари сотиладиган кассаси ва кириш жойида кинотеатр номи, жойлашган жойи (почта манзили), телефон рақами, иш вақти, раҳбариятининг фамилияси, исми ва отасининг исмининг бош ҳарфлари каби маълумотларни акс эттириш;

ушбу Низомни ўз расмий веб-сайтларида эълон қилиш, шунингдек, жамоат жойлари, маҳсус стендлар, бинонинг ҳамма қўриши мумкин бўлган бошқа жойларига осиб қўйиш йўли билан томошабинларнинг танишишларига имконият яратиш;

кинофильмларни сифатли намойиш қилиш, зарур кинотехнологик ускуналар мавжудлигини таъминлаш, томошабинларга сифатли хизмат кўрсатиш, куладилклар яратиш ва уларнинг хавфсизлигини таъминлаш;

томушабинлар учун ҳожатхона, она ва бола хонаси, биринчи тез тиббий ёрдам кўрсатиш воситаларидан бепул фойдаланишга имконият яратиб бериш;

ёнғин хавфсизлиги ва санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари талабларига риоя этиш.

Киновидео-томуша ташкилотлари қонун ҳужжатларига мувофик бошқа мажбуриятларни ҳам олиши мумкин.

19. Киновидео-томуша ташкилотлари томошабинларга қўйидагилар тўғрисида тўлиқ ва аниқ маълумот бериб бориши шарт:

намойиш қилинаётган ва намойиши режалаштирилаётган фильмлар (фильм ишлаб чиқарилган йил, ишлаб чиқарувчи мамлакат, киностудия, бош роль ижрочилари ва ҳаказолар) ҳақидаги маълумотлар;

чиptалар нархи;

болаларга мўлжалланган киносеанслар учун чипталар нархи;

кинозал ўринидикларининг жойлашуви чизмаси;

киносеанснинг аниқ бошланиш вақти ва давомийлиги;

томушабинларга кўрсатиладиган қўшимча хизматлар (пуллик хизматлар учун уларнинг нархлари);

айrim тоифадаги томошабинлар учун белгиланган имтиёзлар.

4-боб. Томошабинларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

20. Томошабинлар қўйидаги ҳуқуқларга эга:

киновидео-томуша ташкилотлари томонидан томошабинларга кўрсатиладиган хизматлар тўғрисида тўлиқ ва аниқ маълумотлар олиш;

киновидео хизмати ва бошқа қўшимча хизматлардан белгиланган тартибда фойдаланиш;

киновидео-томуша ташкилотининг айби билан репертуарда режалаштирилган фильм тўхтатилган, алмаштирилган ёки сифатсиз намойиш қилинган тақдирда кириш чиптаси учун тўланган маблағни тўлалигича қайтариб олиш;

киновидео-томуша ташкилотларидан муайян фильмни намойиш қилиш ҳуқуқини берувчи тегишли лицензияни кўрсатишни талаб қилиш;

фильм намойиши учун ёшга доир чекловнинг (ўз ёшига тааллуқли) мавжудлиги ҳакида маълумотнинг йўқлиги сабабли фильмни томоша қилишдан бош тортиш ва кириш чиптаси учун тўланган маблағни тўлалигича қайтариб олиш.

Томошабинлар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

21. Томошабинлар қуидагиларга мажбурдир:

киновидео-томуша ташкилотида ушбу Низомнинг 15-бандида назарда тутилган тақиқларга ҳамда киновидео-томуша ташкилоти томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган тартибга риоя қилиш;

чиптани киносеанс охиригача сақлаб қолиш ва назоратчи ёки маъмурият талаби билан кўрсатиш;

ўз чиптасида кўрсатилган ўриндиққа ўтириш.

5-боб. Якунловчи қондалар

22. Ушбу Низомда белгиланган талабларга риоя этилишини назорат қилиш “Ўзбеккино” Миллий агентлиги, шунингдек, ваколати доирасида истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва бошқа назорат органлари ҳамда жамоатчилик вакиллари томонидан амалга оширилади.

23. Киновидео-томуша ташкилотлари томонидан ушбу Низом талаблари бузилган тақдирда, бунинг оқибатида томошабинларга етказилган зарар киновидео-томуша ташкилоти ҳисобидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ундирилади.

24. Томошабин ўзи сабабли киновидео-томуша ташкилотига етказилган моддий зарар бўйича белгиланган тартибда мулкий жавоб беради.

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 6 апрелдаги 272-сон қарорига
2-илова

**2018-2019 йилларда миллий кинопрокат тизимини ривожлантириш бўйича комплекс
ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ**

Т/р	Тадбирлар номи	Тақдим этиладиган хужжат шакли, амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар
1.	Кино намойишига мўлжалланган объектларни хатловдан ўтказиш ҳамда республика ягона кинопрокат тармоғига кирувчи реконструкция қилинадиган ва қайта жиҳозланиши талаб этиладиган кинотеатрлар ва кинозалларнинг рўйхатини шакллантириш.	1. Тегишли вазирликлар ва идоралардан иборат ишчи гурух тузиш. 2. Ишчи гурух томонидан объектларнинг ҳолати, жиҳозланиши даражаси ва бошқа параметрлари ўрганилиши. 3. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш ҳамда кино намойишига мўлжалланган объектларнинг кинофильмлар намойиши фаолиятини тиклаш бўйича манзилли дастурларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	2018 йил март - июнь	“Ўзбеккино” Миллий агентлиги, “Республика кинопрокат маркази” ДУК, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари
2.	Республика ягона кинопрокат тармоғида кинофильмлар афишаси ва стендларнинг ягона стандартини ишлаб чиқиш ҳамда уларни республикадаги шаҳар марказлари ва бошқа аҳоли пунктларидаги кулаг жойларга ўрнатиш.	1. Стендларнинг ягона стандарти эскизларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Стендлар ўрнатиладиган манзиллар дислокациясини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	2018 йил март - август	“Ўзбеккино” Миллий агентлиги, “Республика кинопрокат маркази” ДУК, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари
3.	“Республика кинопрокат маркази” ДУКнинг устави ва тузилмасини ишлаб чиқиш.	“Республика кинопрокат маркази” ДУКнинг устави ва тузилмасини тасдиқлаш.	2018 йил апрель	“Ўзбеккино” Миллий агентлиги

	“Республика кинопрокат маркази” ДУК таркибидаги методик кенгаш ҳақидаги низом лойиҳасини ишлаб чиқиш.	“Республика кинопрокат маркази” ДУК таркибидаги методик кенгаш ҳақидаги низомни тасдиқлаш.	2018 йил апрель	“Ўзбеккино” Миллий агентлиги, “Республика кинопрокат маркази” ДУК
4.	Республика ягона кинопрокат тармоғида кинопрокатни амалга оширишни тартибга солишини назарда тутувчи низом лойиҳасини ишлаб чиқиш.	Республика ягона кинопрокат тармоғида кинопрокатни амалга оширишни тартибга солишини назарда тутувчи низомни тасдиқлаш.	2018 йил апрель	“Ўзбеккино” Миллий агентлиги, “Республика кинопрокат маркази” ДУК
5.	Республикадаги кинотеатрлар ва кинозалларни электрон киночипталарнинг тезкор ҳисобини юритиш ва сотишининг автоматлаштирилган тизимиға улаш учун зарур бўлган ускуналар билан жиҳозлаш ва жорий қилишда ягона технологик талабларни ишлаб чиқиш.	Ягона технологик талабларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	2018 йил октябрь	“Ўзбеккино” Миллий агентлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
6.	Ягона технологик концепцияга асосан республика ягона кинопрокат тармоғидаги кинотеатр ва кинозалларнинг кинопроекцион техник ускуналарини унификация қилиш.	1. Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шахри ва республика вилоятлари марказларидағи биринчи тоифали кинотеатрлар учун жаҳон стандартларига жавоб берадиган техник талабларни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш. 2. Республиkaning кичик шаҳарлари, туманлар марказлари ва бошқа алоҳида худудлардаги иккинчи тоифали кинотеатрлар ва кинозалларни жиҳозлаш учун минимал техник талабларни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш.	2018-2019 йиллар	“Ўзбеккино” Миллий агентлиги, “Республика кинопрокат маркази” ДУК

7.	<p>Миллий фильмларни халқаро кинопрокатга олиб чиқиши мақсадида Марказий Осиё мамлакатлари ва хорижий давлатлар билан кинопрокат соҳасида ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш.</p> <p>“</p>	<p>1. Марказий Осиё мамлакатлари ва хорижий давлатларнинг дистрибуторлик компаниялари билан алоқалар ўрнатиш чора-тадбирларини амалга ошириш.</p> <p>2. Халқаро кинобозорларда миллий фильмларимиз иштирокини таъминлаш.</p> <p>3. Кинопрокат соҳасида Марказий Осиё мамлакатлари ва хорижий давлатлар билан шериклик алоқаларини ўрнатиш.</p>	2018-2019 йиллар	“Ўзбеккино” Миллий агентлиги, “Республика кинопрокат маркази” ДУК
----	---	--	---------------------	---

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 6 апрелдаги 272-сон қарорига
3-илова

**Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбеккино” Миллий агентлиги
фаолиятини ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”
2017 йил 28 декабрдаги 1030-сон қарорига киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 1-иловадаги “Дўрмон киноижодкорлар уйи” давлат унитар корхонаси блокидан кейин “Республика кинопрокат маркази” давлат унитар корхонаси” блоки қўшилсин.

2. “Ўзбеккино” Миллий агентлиги тўғрисида низомда:

а) 9-бандда:

қўйидаги мазмундаги ўн учинчи хатбоши қўшилсин:

“Республика кинопрокат маркази” давлат унитар корхонаси”;

ўн учинчи ва ўн тўртинчи хатбошилар тегишлича ўн тўртинчи ва ўн бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

б) 13-бандга қўйидаги мазмундаги 6-кичик банд қўшилсин:

“худудларда ягона репертуар сиёсатини амалга ошириш бўйича фаолиятни мувофиқлаштиради ва назорат қиласи, шунингдек, ахолига киновидео хизмати кўрсатиш қоидаларига риоя этилишини таъминлайди”.

